

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси»

Харид комиссияси раиси



Ж.А.Кодиров

« _____ » _____ 2022 й.



**Охангарон тумани Тиббиёт бирлашмасига ва бирлашмага қаршли
бирламчи тизимларга “Энг яхши таклифни танлаш” бўйича тиббий
журналлар ва бланкалар харид қилиш.**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ
ХУЖЖАТИ**

Охангарон тумани-2022 й

Охангарон тумани Тиббиёт бирлашмасига ва бирлашмага қарашли бирламчи тизимларга “Энг яхши таклифни танлаш” бўйича тиббий журналлар ва бланкалар харид қилиш юзасидан энг яхши таклифларни танлашни эълон қилади.

Хизмат номи: Тиббий журналлар ва бланкалар харид қилиш.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда.

Танловнинг бошланғич бахоси: 14 000 000 (Ўн тўрт миллион) сўм.

Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил: <https://etender.uzex.uz>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мжбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қодаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс:

Бош ҳисобчи – Шокирова Нилуфар Абдикадировна, тел:94 944-05-84

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:
Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилгандан бошлаб, 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили:

Тошкент вилояти, Охангарон тумани Нуробод МФЙ.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўйлаб) йўл қўйилмайди.
- Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- тижорат таклифи
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамоилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим).

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1.Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1 Тиббий журнал ва бланкалар 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат

шакллари тақомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруққа асосан керакли бўлган тиббиёт ҳужжатларини харид қилиш.

1.2 Тиббий журнал ва бланкалар харажатларини ҳисоблаш учун тиббий жиҳозлар рўйхати иловада келтирилган.

1.3 “Пудратчи” тиббий журнал ва бланкаларни харид қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Тиббий журнал ва бланкалар “Пудратчи” томонидан шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда 1 мартаба иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади. Пудратчи тиббий журнал ва бланкаларнинг ҳар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда “Нуқсон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома алмаштириш учун асос бўлади.

2. Пудратчига қўйиладиган талаблар

2.1. Тиббий журнал ва бланкаларни 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари тақомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруқдаги намуналарга асосан ишлаб чиқариб, ўз вақтида етказиб бериш кафолати.

2.2. “Пудратчи” тиббий журнал ва бланкалар ишлаб чиқаришишларни амалга ошириш учун керакли маҳсулотларни ўз ҳисобидан ишлатиш.

2.3. “Пудратчи” буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вақтида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

2.4. “Пудратчи” тиббий журнал ва бланкалар сифатсизлиги аниқланган бўлса, ушбу ишлар учун ўз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.5. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

3. Иш жойи ва вақти

3.1. “Буюртмачи”нинг тиббий журнал ва бланкаларни олиб келиш ишлари, Тошкент вилояти, Охангарон тумани Нуробод МФЙда жойлашган биносида амалга оширилади.

3.2. Тиббий журнал ва бланкаларни етказишни амалга ошириш муддати – Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабр кунига қадар.

3.3. Тиббий журнал ва бланкаларни етказиш “Буюрмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

3.4. Пудратчининг мутахассислари учун хабарнома олинган пайтдан бошлаб куннинг исталган вақтида, шу жумладан дам олиш кунлари, таътил кунлари, байрам кунлари ҳамда куннинг қоронғу пайтларидан қатий назар 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган вақтда етказиб, келиниши шарт.

5. Бошқа шартлар

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вақтларида журнал ва бланкаларни етказиб бериш учун “Пудратчи”нинг “Ишонч телефони” мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. “Пудратчи” ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

5.3. Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотларни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

5.4. Сифансиз тиббий журнал ва бланкаларни алмаштириш ишлари “Буюрмачи” томонидан тиббий журнал ва бланкалар етказиб берилгандан сўнг “Пудратчи” ва “Буюрмачи” ўртасида тиббий журнал ва бланкаларни алмаштириш ишларини амалга оширади.

5.5. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Агар хизмат кўрсатиш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.